



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL AND APPLIED SCIENCES ISSN: 2660-5317

Special Issue, 2022 ||

"Challenges and Innovative Solutions of Life Safety in Ensuring
Sustainability in Economic Sectors"

Actual Problems of Ensuring Sustainable Ecology in Urban Planning

Dzhanizakov Abduvohob Esirgapovich

Senior lecturer of the Jizzakh Polytechnic Institute, Jizzakh, Uzbekistan

Received 13th Feb 2022, Accepted 15th Mar 2022, Online 7th May 2022

Annotation: The article discusses the tasks of sustainable development of cities, the role of landscape architecture in the formation of modern master plans for settlements and taking into account environmental factors, ways of interacting anthropogenic elements with nature, the goals of landscaping, taking into account architectural requirements in their design.

Key words: sustainable development, urban planning, landscape, environment, ecology, demographic factor, aeration, isolation, biocenosis, microclimate.

Introduction. Мухтарам Президентимиз шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тузилиш жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарурлигини доимо таъкидлаб келган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 - 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора - тadbирлари тўғрисида” 02.02.2018 й. № ПК-3502 қарорида Республикамизда шаҳарсозликни ривожлантириш муҳим масала сифатида белгиланган.

Main part. Кишилар манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўп минг

йилликлар давомида келиб чиққан. Одамларнинг эҳтиёж - талаблари ва ўзаро муносабатларнинг зарурати нуктаи назаридан ҳар бир давр ўзидан олдинги даврдан мерос қолган манзилгоҳларни ўзгартирган ва мослаштирган. Шаҳарсозлик инсоният фаолиятининг бир жабҳаси сифатида доимий равишда такомиллашиб борган.

Бундан минг йиллар олдин буюк бобоколонимиз Абу - Али Ибн - Сино ўзининг “Тиб қонунлари” китобида шаҳарларнинг қурилиш жойини танлашда ҳисобга олиш лозим бўлган маҳаллий микроиклим, табиий шарт шароитларга боғлиқ саволларга катта аҳамият қаратган. Турар-жойнинг микроиклимига эътиборни қаратиб, хоналарда инсоляция ва шамоллатиш албатта бўлиши лозимлигин таъкидлаган, “дараза шарқ томонга қараши ва эшиклар шимолга чиқишни таъминлаши, шунингдек шарқ томондан эсган шамол албатта бинога кириши, қуёш нури бинонинг барча хонасига тушиш имкониятини бериши лозим. Зеро қуёш нури ҳавони соғломлаштиради” [2].

Ҳозирги даврда кўпгина шаҳарсозлик лойиҳаларида табиатни одамларга яқинлаштириш кўзда тутилаяпти: шаҳар ва шаҳар олди боғ - парклари яратилмоқда, ўрмон массивлари кенгайтирилмоқда, ташқи муҳитни соғломлаштириш ва ҳимоя қилиш бўйича эффектив чора - тадбирлар қўлланилмоқда.

Шаҳар қурилиши ва унинг ташқи табиий муҳити билан ўзаро боғлиқлик масаласини самарали ечиш - шаҳарсозликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Унинг ечимида аниқ вазиятларни ва табиат қамровини ҳисобга олиш шаҳар қурилиши масаласида жиддий ўрин эгаллайди.

Табиатни асраш ва унинг манбаларидан оқилона фойдаланиш эса - замонавий шаҳарсозлик ва унинг йўналишини белгиловчи асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда ижтимоий характерга асосланган, экологик ва иқтисодий устуворликка қаратилган барқарор шаҳарсозлик деб номланган самарадор йўналиш фаол ривожланмоқда. Унинг бош мақсади рационал шаҳарсозлик ва ақлли архитектуруни уйғунлаштиришга йўналтирилган.

Барқарор ривожланиш иқтисодининг муҳим вазифаларидан бири бу - экологик муаммоларни ҳал этишдир. Барқарор ривожланиш асосида ётган экологик масалалардан

бири - бутун экотизимнинг барқарор фаолият юритишини инсоният эҳтиёжлари учун зарур даражада сақлаб қолишдан иборатдир.

“Барқарор ривожланиш” тушунчаси илк маротаба 1987 йилда пайдо бўлиб, бугунги кунга қадар кўплаб қизиқишлар ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Барқарор ривожланишнинг асл моҳияти “аҳоли эҳтиёжларни бугун қондириш, келажак авлодларининг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини таъминлаб бериши”да ётади[1].

Барқарор ривожланиш - бу иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни бўлиб, унда табиий ресурслардан фойдаланиш, инвестицияларни йўналтириш, илмий - техник тараққиётнинг йўналишини белгилашдир.

Брундтланд комиссияси таърифи бўйича «Барқарор ривожланиш - келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилиятини камайтирмасдан ҳозирги ривожланиш эҳтиёжларини қондириш».

Барқарор ривожланиш концепцияси учта асосий - “Ижтимоий + Иқтисодий + Экологик” нуқтаи назарни бирлаштириш натижасида пайдо бўлди. Экологик нуқтаи - назардан шаҳар муҳити ҳар хил табиий элементлардан иборат аниқ бир ландшафт устида қурилади. Демак шаҳар муҳитининг қандайлигидан қатъий назар, энг аввало уни инсон ҳаёт фаолиятига зараридан кўра фойдалироқ қилиб лойиҳалашдек муаммо ҳар қандай мазкур соҳа мутахассисини безътибор қолдирмаслиги лозим.

Табиатнинг табиийлигини асрашда сунъий ландшафтни табиий ландшафт билан уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш катта аҳамият касб этади. Архитекторлар архитектура ва ландшафтнинг ташкил этиш усулларида фойдаланиб, муҳандислик ва эстетик тамойилларнинг уйғунлаштириш асосида шаҳарнинг ўзини, унинг жойлашишини ва атрофини шакллантиради. Ҳозирги вақтда диёримизда саноат ва техниканинг ривожланиши билан дам олиш мақсадларига жавоб берадиган ва атрофдаги ландшафт билан уйғун мувофиқлашадиган муҳитлар яратилмоқда. Шу билан бир қаторда, бу муҳитга унинг меъморий, бадиий ва эстетик даражаси бўйича юқори талаблар қўйилмоқда.

Ҳаёт шароитларининг яхшиланиши билан бир қаторда аҳоли пунктларида, айниқса катта шаҳарларда аҳолининг табиатдан бир қадар узилганлиги сезилади, бунда уларнинг бўш вақтларини қай даражада ўтказиш масаласи долзарб эканлиги намоён бўлади. Демак ишдан ва ўқишдан бўш вақтларни ўтказиш учун ҳар хил функцияли дам олиш жойларини яратиш, урбанизациялашган муҳитда кишиларнинг табиат компонентлари билан уйғунлашишини таъминлаш, табиатдан завқланиш, экологияга эҳтиёткорлик билан ёндошиш маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин шаҳарнинг кенгайиши, демографияси ва саноат корхоналарининг ҳар доим ортиши оқибатидаги децентрализован ўзгаришларнинг кечиши - олдиндан аниқлаб бўлмайдиган омиллар сирасига киради. Шунинг учун ҳам шаҳарга кўкаламзор тусини бериш анчагина қийин вазифалардан бири ҳисобланади.

Шаҳарнинг бўш майдонларини манзаралаш турли хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Одатда шаҳар майдонларини манзаралашда қуйидаги талаблар қўйилади:

- рекреацион-демографик талаблар;
- санитар-гигиеник талаблар;
- иқтисодий талаблар;
- архитектуравий талаблар.

Шаҳар марказларини, кичик турар жой комплексларини ҳамда кўкаламзорлаштириш шарт бўлган барча жойларни лойиҳалашда энг аввало ижтимоий - демографик омиллар ҳисобга олинмоғи зарур. Бундай омилларга эса нафақат ёшига етган аҳолининг сони, ёш авлод тарбиясига аҳамият, ҳар хил ёшдаги аҳолининг бири-бири билан ижтимоий муносабатларини ҳисобга олиш, баъзи кишиларнинг ёлғизликни ҳоҳлаши ёки бўлмаса гуруҳ - гуруҳ бўлиб дам олишга мойил аҳолининг талабларини қондириш рекреацион - демографик талабларнинг ўзагини ташкил этади.

Шу билан биргаликда шаҳар ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда асосан қуйидаги экологик ва санитар-гигиеник талабларни атроф-муҳит учун бажарилишини

шарт деб қаралади:

- ✓ мавжуд ва лойиҳаланаётган ўсимлик дунёсининг устиворлиги ҳамда эстетик кўркемлигини таъминлаш,
- ✓ мавжуд майдоннинг аэрациясини меъёрлаштириш, атроф-муҳит шовқинидан ҳимояни таъминлаш, заҳарли газлар ва чанглардан ҳимояланган ҳолда яшаш ҳудудларини меъёрий инсоляция билан таъминланиши;
- ✓ инсон организмига зарар келтирувчи ўсимлик ва дарахтлардан ҳоли бўлган рационал ўсимлик дунёсини яратиш.

Турар жойларнинг ландшафтли лойиҳасининг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

- ландшафтнинг асосий омиллари бўлган-ўсимликлар, сув ҳавзалари, рельеф шакллари, тупроқ таркиби кабиларни максимал даражада асраб қолишни таъминлаш;
- қуйи мақсадли фойдаланишда қўлланиладиган кўкаламзорлаштириш тизимини ишлаб чиқиш;
- лойиҳани амалга оширишда комплекс механизациядан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда кўпроқ намунавий элементлардан фойдаланиш.

Лекин шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай энг замонавий қилиб безатилган парк ҳам инсон қўли билан яратилган антропоген маҳсулот бўлиб, ундаги кичкина табиий сақланган тирик омилгина унинг табиий ландшафт эканлигидан дарак бериб туради.

Ландшафтли лойиҳалашнинг архитектурадаги роли нафақат шаҳар майдонлари ва ҳавосини транспорт оқимларининг чиқиндиларидан тозалаш билангина чегараланиб қолмай, балким ҳар қандай шаҳарнинг очик майдонларида архитектуравий - ландшафт муҳитини яратиш билан белгиланади.

Дам олиш жойлари учун микроиклим шароитини яратиш ҳам катта аҳамият касб этади. Микроиклим эса бошқа омиллар билан бир қаторда майдонга тушаётган қуёш нурунинг миқдори билан ўлчанадиган омил ҳисобланади. Гигиена ва иқлимшунослик

билан бевосита шуғулланадиган мутахассислар объектнинг қўёш радиациясидан қанчалик ҳимоя қилинганлиги ва мазкур объект учун энг қулай яшил майдончани барпо этиш усуллари қандай омилларга боғлиқлигини илмий таҳлил қиладилар.

Лекин шунга қарамай кўпгина дам олиш масканларида сояли жойлар етишмайди, ёки бўлмаса совуқ кунлари қуёш нуридан баҳра олиш муаммоси пайдо бўлади. Шунинг учун шаҳар инфраструктураси яшил майдонларидаги инсоляция режимни ҳисоблаш қурилаётган ва мавжуд объектларининг санитар-гигиеник ҳолатини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Қуёш нуридан яхши таъминланган, соялик зарурати ҳам етарли бўлган архитектуравий лойиҳа - иккала омилнинг бир-бири билан табиий мутаносиблигини таъминлашни кўзда тутиши лозим.

Ижтимоий - экологик омиллардан яна бири бу дам олиш учун чиққан ҳар бир одам учун зарур бўлган шамолдир. Унинг тезлиги эса ўз навбатида шамол режимини белгилайди.

Ҳозиргача бу омиллар анчагина чуқур таҳлил этилиб, шамолнинг очиқ ва ёпиқ майдончаларидаги ҳаракати ўрганиб чиқилган.

Кўп ҳолларда шаҳар майдонларининг бирида экилган қуюқ ихота унинг бошқа майдонларига ўтадиган шамолнинг табиий оқими йўналишини ўзгартириши, ёки бўлмаса тўсиб қўйиши мумкин. Бундай салбий асоратларининг олдини олиш учун эса ҳар бир архитектор ёки лойиҳачи мазкур шаҳарнинг рельеф ландшафтини яхши билмоғи, шаҳар экстерерини чуқур ўрганмоғи ва шундан сўнгина қайси майдонда боғ - парклар яратилиши зарурлигини аниқламоғи лозим.

Илмий нуқтаи назардан ландшафт тушунчаси маълум майдоннинг табиий сақланган комплекси бўлиб, унда мазкур жой, унинг рельефи, об-ҳавоси, тупроқ таркиби ва шароити ҳамда биоценоз омилини ифодалайди.

Биоценоз – ўз навбатида ўсимлик, жониворлар ва қуруқлик ҳамда сув ҳавзаларида яшаётган микроорганизмлар мажмуасидир. Биоценоз биогеоценознинг ажралмас қисми бўлиб, маълум бир майдондаги тирик ва нотирик мавжудотларнинг бир-бири

билан моддалар алмашинуви ҳамда энергия алмашинуви жараёни билан бевосита боғланишидан иборатдир.

Биоценоз ва биогеоценоз тушунчалари умумэкологиянинг мантикий асоси ҳисобланиб, турли организмларнинг ўзаро муносабатлари қонуниятлари ҳақидаги илмдир. Бунда ўсимликлар, жониворлар ва инсон омиллари - биологик организмлар деб қаралади.

Шаҳар қурилиши ва унинг ташқи табиий муҳити билан ўзаро боғлиқлик масаласини самарали ечиш – шаҳарсозликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Унинг ечимида аниқ вазиятларни ва табиат қамровини ҳисобга олиш шаҳар қурилиши масаласида жиддий ўрин эгаллайди.

Иссиқ иқлимнинг табиий-иқлимий шароитларини баҳолашнинг илмий асосланган усуллари ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимизда, шунингдек, дунёнинг қатор илмий-тадқиқот институтлари томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Бу ишга қуйидаги саволларни ишлаб чиқишга фаолият доираси кирадиган илмнинг боғланган соҳалари мутахассислари - олимлар, иқтисодчилар, архитекторлар, иқлимшунослар, шифокорлар жалб қилиниши лозим:

- шаҳарсозлик лойиҳаси иқлимий туб моҳиятларини аниқловчи омилларнинг таҳлили (жумладан микроиқлим, қурилиш физикаси, коммунал гигиена, одамларнинг физиологияси ва бошқ.);

- замонавий илм материаллари ва шаҳарсозлик амалиёти, шунингдек, халқ меъморлиги ривожланиш тажрибаларини ўрганиш;

- урбанизациялашган муҳит чегарасида асл микроиқлимий кузатишлар улубларини ишлаб чиқиш;

- шаҳарларни қуришнинг ҳар хил усуллариининг жойнинг микроиқлими шаклланишига таъсирини тадқиқ қилиш каби

Бундай тадқиқотлар натижасида шаҳар муҳитининг иқлимий андазасини тузиш ва асосий шаҳарсозлик лойиҳа олди материалларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Уларга микроиқлим туманлаштириш хариталари, муайян жой учун биошинамлик тавсифлари,

куёшга қарши қурилмаларни қўллаш бўйича асосий қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш, тинч ҳаво билан, ҳаддан зиёд намгарчилик, чангли бўронлар билан курашиш бўйича, иссиқ иқлимнинг одам организмига салбий таъсирини ва саноатнинг зарарли таъсирларини нейтраллаш бўйича санитар-гигиеник тадбирларни ўрнатиш кабиларни киритиш мумкин.

Conclusion. Шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишда табиатни сақлаш ва келажак авлодга табиий ҳолда етказиб бериш масалаларини ечиш архитектор, ландшафт дизайнерларнинг илмий маъсулияти ҳисобланади.

Илмнинг шиддат билан ривожини эса қўйилган вазифаларни муваффақиятли ечишга бу соҳада гарантия бўлиб ҳисобланади.

References:

1. Аҳмедов М. Қ., Назарова Д. А., Хасанов А. О. Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлигининг тараққиёт йўллари. Монография. Тошкент 2016.
2. Римша А.Н. Градостроительство в условиях жаркого климата. Учебник для вузов. - Москва: Стройиздат, 1979.
3. www.gow.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.